



«Ўзбек» деган ном хохласангиз сиёсий, истасангиз ижтимоий маънога эгадир, лекин этник маънога эга эмас[1]. Машхур Абулхайрхоннинг набираси Шайбоний Мухаммадхон туркий лашкари билан пастки Ёксартдаги уч хонликни истило килиб, теурийлар давлатида бошланган парчаланишни тўхтатгандан сўнг, 16-аср бошларида Марказий Осиё ёки, аниқроқ айтганда, шу уч хонликда яшовчи туркий халклар бу номни кабул килишган. Шайбоний лашкарининг энг катта кисми аввало туркий халклардан иборат бўлган ва улар Орол денгизи билан Ёйик дарёси ўртасида кўчманчилик килиб юришган хамда Олтин Ўрда таркибига киришган. Яна шуни айтиб ўтайликки, Олтин Ўрдада «ўзбек» деган ном анча олдиндан маълум бўлиб, мусулмонча тарбияланган дегандек тушунилган[2]. Аслида туркий халкларнинг келиб чиқиши кисман коракалпок, кисман киргиз-козок, кисман Олтин Ўрдадаги турли-туман кўчманчиларга бориб такалади. Агар Ўзбекхонни эсласак, «ўзбек» номининг негизи бизга анча яхши тушунарли бўлади. У 1340 йилгача Олтин Ўрдада хукмронлик килган ва ислом динини кабул килишга гоят кучли иштиёк кўрсатганлиги билан эътиборни тортган. Абулгозининг сўзлари билан айтганда, «у фукароларига ислом динини кабул килдиришда жуда катта гайрат кўрсатган ва бунинг натижасида жўжи халки, яъни Олтин Ўрда турклари «ўзбек» деган номни олишган». Абулгозининг бу сўзлари шу ҳақдаги бошка хабарлар билан, айниқса Темурнинг маддохи Шарафиддин Яздийнинг кишлокларни «ўзбеклар» деб кўрсатганлиги билан тўғри келади. Лекин бизнинг фикримизча, XIV асрда кўп жойларда кўчманчилар бўлган даврда Гиёсиддин Ўзбекнинг янги динга ўтказиш иши муваффакият козонмаган шекилли, улар мусулмонликни кабул килишмаган. Ислом динига кирганлар мусулмонлар

дейилгани каби чигатойлар, нўгайлар, салжукийлар ва усмонлилар ўз номи билан, Ўзбек тарғиб килган динни қабул килганлар эса «ўзбек»лар деб аталган. Хулоса килиб айтганда XIV—XV асрларда «ўзбек» деганда мусулмон динига ўтган турклар тушунилган ва шу ном билан улар бошка, эски динга садокатли бўлиб колган турклардан фарк килганлар.

Ўзбекларнинг эски динга садокатли турклар билан табиати ва тили бир бўлса-да, лекин улар янги дин билан бирга мусулмон маданиятини ҳам қабул килишган ва бу кадамлари билан туркликдан, яъни шафкатсиз одатлардан бош тортишиб, Ўзбекхон мукаддаслаштирган мусулмон-осиё маданиятига йўл очишган. Олтин Ўрдада Ўзбекхоннинг бу фаолияти унинг обрўсини кўтаришда жуда зўр ахамиятга эга бўлди ва у ўзининг бу ишларини Ўрта Осиёга ўтказишда янада омади юришди. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекхон Ўрта Осиёда барча маданий бойликка эга бўла олмагани сабабли Марказий Осиё ва Туркияда Русия томонидан босиб олинган туркларни жамловчи нўгай номи билан аташгани каби, у Шайбонийхондан анча олдин Волга ва Ёйик дарёлари бўйлаб яшаб келган юртдошлари ҳамда диндошларини жамловчи бир ном билан аташга мажбур бўлган. Нихоят, «ўзбек» деган сўз қайси маънони билдиради деганда, энг аввало шуни айтиб ўтиш керакки, бу сўз «ўз» ва «бек» сўзларидан иборат бўлиб, шулардан биринчиси асл, ажойиб, таги мустахкам, иккинчиси эса бек, сардор маъносини билдиради. Демак, бу сўзнинг том маъноси «Асл бек»дир. Ўзи аслини олганда «ўзбек» деган сўз анча кейин туркийлашган ва мажорлар Оврупога келмасдан олдинрок ҳам ишлатилган. XI—XII асрларда бу сўз шахсий ва қабила номи сифатида маълум бўлиб, буни учратилган манбалардан кўриш мумкин.

Биз «ўзбек» сўзининг келиб чиқиши ва маъносини маълум даражада текшириб кўрганимиздан сўнг, биринчи навбатда Шайбонийхон бошчилигида XV аср охирларида Шимолий Орол ва Ёксартдан ёриб ўтган ва Мовароуннахрни истило қилишга қиришган ўзбеклар қайси туркий халклар ёки қабилалардан иборат бўлганини ўрганиб чиқишимиз мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, биз мутлако аниқ маълумотга эга бўла олмаймиз, лекин қўлимизда Берёзин томонидан нашр этилган ва ўрис тилига таржима қилинган «Шайбонийнома» ва мен олдин айтиб ўтган «Шайбонийнома» достони бор. Унда ўзбеклар ҳақида бирмунча маълумотлар мавжуд. Айтиб ўтилган асарларнинг биринчисидан дастлабки жангларда ўзини кўрсатган қахрамонлар ва шулар ўртасида қуйидаги шахсий исмлар ва қабила номлари эслатиб ўтилган: Шайх Мурод мажорлар қабиласидан (мажор кўп марта эслатиб ўтилган, бу — мадёрларнинг осийча номи, бу ерда яна қабила номи — қабилага тааллуқлилиқ маъносида ишлатилган —Х. Вамбери), Али Мардон уйшун қабиласидан. Мамиш татарлар қабиласидан, Минкай уйгурлар қабиласидан, Мишри (Мисри) Али кўнгирот қабиласидан, Бек Ота салур козок қабиласидан (эслатмаси билан: узок Туркистондан — Х. Вамбери) ва хоказолар. Айни вақтда бошка жойларда яна дўрмон, ямалик, отажи, киёт, найман каби қабилалар ҳам эслатилади. Буларнинг ҳаммаси Шайбоний Муҳаммадхонга қўшилишган ва «ўзбек» деган номни қабул этишиб, хонликларни истило қилишда қатнашишган. Ва ниҳоят, Шайбоний қўшинлари қаерданлигини билмокчи бўлсак, бу асарларда баъзилари чўлнинг узок шимолидан эканлиги, иккинчилари Хатайдан (яъни Хитойдан), учинчилари Чимбойдан

(яъни Оксув дарёсининг тармокланган мансабидан, у ерда хозир коракалпоқлар яшашади) эканлигини кўрамиз. Бундан Шайбоний Мухаммадхон кўл остида турк элининг хилма-хил вакиллари бирлашган деган хулоса чиқариш мумкин. Лекин иккинчи манба — «Шайбонийнома»нинг Шайбоний Фаргона шимолида мўғулларга қарши юриши ҳақида гап бораётган жойида қуйидаги қабила номларини кўришимиз мумкин: сийиут, киёт, кўнгирот, боркут, мангит, найман, дўрмон, ушун, қушчи, жалойир, қарлук, сулдуз, нукус, татар — ҳаммаси бир тилда гапиришади, ҳаммасида бир хил исмлар ва бу исмлар бугун қирғиз, қарақалпоқ, туркман ҳамда ўзбекларда учрайди. Биз бу ерда уларнинг қелиб қиқиши турли хил эканлигини кўрсатдик. Шу хабарларга қўшимча тарзда яна алоҳида эслатиб ўтилган тушунчалар ҳам бор, масалан, қозоқ элини — бу ерда эркин, ҳеч қимнинг ҳуқуқронлиги билан енгилмаган қўл аҳолиси, қирғиз халқини қорс, қарақарда ва боши қузуқларнинг бир тури деб тушунса бўлади. Бундан қўриниб турибдики, Шайбонийхон билан Жанубга қикқан турқлар Қовароуннаҳрнинг жанубида ва шимолида қойлашган туркий элнинг хилма-хил табақаларидан йигиб олинган ва уларнинг ҳаммаси қамловчи «ўзбек» деган номни қабул этишган, қунки буларнинг ўртасидаги етакчи қуннинг сиёсий ва оммавий номи ўзбек бўлган.

Бу ўзбеклар XVI асрнинг бошларида ўз қардорлари билан Оксув дарёси атрофида қойлашган ва уларнинг шу ерда олдиндан яшаган турқлар билан аралашиси натижасида Қарқазий Осиёнинг бугунги ўзбек халқи пайдо бўлган. Қарқазий Осиёда қисман бутунлай ўтрок, қисман қарим ўтрок бўлиб яшаган турқлар эса турк элининг қайси бир вақили эканлигини хозир айтиш қудаям қийин, лекин улар бу ерда қадим қамонлардан бери яшаб қелаётганлигига ҳеч шубҳаланмаса ҳам бўлаверади. Қарқазий Осиёнинг туб аҳолиси, дарҳақиқат, эронийлар бўлган ва бу қадимий шаҳарларнинг қуғрофий номларидан қўриниб турибди. Лекин шуниси ҳам тўғриқи, айрим турк қабилалари тарихдан илғари даврларданок қўчманчиликдан бош қортиб, эроний халқ ўртасида ўрнашиб қолганлар ва бу қадим қамондан маълум бўлган аҳоли яшайдиган қой номларининг туркий охангдошлигида қўриниб турибди. Қумладан, Бойқанд, Талас (Талас деган сўз қора-қирғиз тилида қароқчилик юришини, талашни қилдиради — Х. В.). Қоч (соч, яъни бошдаги сочи қилдиради — Х. В.), Қўқон қонлигида турқча номланган Окча шаҳри (сўзнинг биринчи қисми Ок маъносини қилдиради) ва бундай қисоллар қўп.

Албатта, бу ерда турк аҳолиси тасодифан ва қам қикдорда пайдо бўлган деб ўйлаш ҳам мумкин эди, лекин турк аҳолисининг қўчиб ўтиш йўналишлари шимоли-шарқдан жануби-қарбгача қўзилиб қорган ва улар, биринчи навбатда, қастқи ва ўрта Ёксарт ерларини эгаллашга, шундан кейингина туркий аҳоли Оксув дарёсининг ўнг қирғоқини топиб яшай бошлаган, деган таҳминлар бор. Бу ҳақдаги биринчи тарихий хабарни биз араблар орқали олдиқ. Улар Оксувнинг ўнг қирғоқи учун қураш олиб бораётганда у ерда турқларга тўқнашганлар. Лекин қарши ҳаракат қилмай, бу ерларнинг туб аҳолисининг таърифлаб қорганлар, қолос. Қомонийлар ҳуқуқронлиги пайтида бу аҳоли асосан эронийлардан иборат бўлса, Қурхон истилоси ва айниқса Қоразмшоҳлар ҳуқуқронлиги даврида бу ер аҳолисининг ҳоқимияти асосан туркий қўшинларга суянган. Бу қўшиннинг қўпчилиги ўтрок ҳаётнинг қулайлигини қўриб шу ерда қолган ва яшай бошлаган. Лекин туркий халқнинг Қарқазий Осиёнинг маданиятига биринчи қучли ва улқан таъсири мўғуллар истилоси пайтида сезила бошлади ва истилодан кейин ҳам сақланиб қолди. Шу даврга қелганда, айниқса қигатойлар ҳуқуқронлиги пайтида дехқончилик, саноат ва

савдо билан шугулланиб, шу оркали кун кўриб юрган эроний аҳоли, муболагасиз айтиш мумкинки, каттик зарбага дучор бўлади. Чунки турклар ҳамма жойда устунликка эриша бошлаганлар ва XIV асрнинг иккинчи ярмида Темур чигатойларнинг охиргисига карши уруш килгандаёк бу кураш Мовароуннахрда устун бўлган турк элининг мўгуллар хукмронлигига карши курашига айланган эди. Ўшанда турклар нафакат Ёксарт, Зарафшон ва Оксуда, балки Жанубий Кешда ҳам (Шахрисабз) аксарият кўпчиликини ташкил этардилар.

Энди чигатойлар деган номга келсак, ҳамма жойда таркалган турклар бу номни сиёсий ва фахрли ном сифатида қабул килганлар. Ўзбеклар орасида шу бугунга қадар ўзини чигатойлар деб атайдиган қабила бор ва уларнинг обрўси шунчалик каттаки, янги хонни тахтга ўтказганда, шу қабиланинг оксоқоллари хонни ок кигизга солиб кўтаришади. «Ўзбек» деган ном шайбонийлар даврида қандай аҳамиятга эга бўлса, худди шундай мўгуллар даврида «чигатой» деган сиёсий ном ҳам катта аҳамиятга эга эди. Чигатойлар даврида Марказий Осиёда турк эли мавжуд бўлиб, туркий тил энг тушунарли тил эди. Бу тил ҳаттоки Оксуд дарёсининг чап қирғоғига ҳам таркалиб кетган ва Темурнинг катта невараларидан бирининг хукмронлиги пайтида Хуросоннинг ўша даврдаги пойтахти — Хиротда яшаган туркий гўзаллик шайдоси Алишер Навоий бу ерда гуллаб-яшнаётган форсий маданиятга карши ўларок маънавий кураш бошлашга журъат этган.

Ўзбеклар Марказий Осиёда пайдо бўлишганда бу ерда жуда кўп туркий аҳолини учратганлар. Бу ерлик турклар ҳам худди ўзбеклар қаби келиб чиқиши жихатидан ҳар хилдир ва биз тасодифан улар керакан, бойқаро, кипчок, дўрмон, найман ва ҳоказо қабилалардан эканлигини билдик. Ўз-ўзидан тушунарлики, улар туб аҳоли билан аралашиб ҳамда турмуш тарзини ўзгартиргани сабабли курамадилар. Демак, жисмоний жихатдан улар ҳар хил туркий ҳамда мўгул қўшилмаларидан ташкил топган ўзбеклар десак янглишмаймиз. Лекин асрлар давомида Хуросон ҳамда Мовароуннахрда яшаб келиб, форс маданияти таъсирида бўлган, шунинг учун маънавий жихатдан шимолдан ёриб ўтган шафқатсиз қондошларидан устун халқ эса, табиийки, Шайбонийхонни ўша замон маданиятини ҳароб қилувчи ёвуздек карши олган, чунки у ўз одамлари билан жохилдек ҳамма нарсани вайрон қила бошлаган. Албатта, Шайбоний Марказий Осиёдаги ўз хукмронлигини темурийларни забт этиб мустаҳкамлади. Лекин бахт унга қулиб бокканда туркий халқлар ўртасидаги обрўси ҳам кўтариларди. Хали Бобур даврида биз уч миллат — мўгуллар, турклар (хонликларидаги турклар) ва ўзбеклар (Ёксарт шимолидаги турклар) ўртасидаги учратган тўсиқлар аста-секин йўқола бошлади ва охирига айтиб ўтилган ном, яъни «ўзбек» деган ном олдин бир қавмнинг сиёсий номи бўлиб келган бўлса-да, бора-бора кўпайиб Шайбоний тарафдорлари томонидан нафакат сиёсий, балки этник номдай қабул қилинди. Мисол учун биз буни шоир, малик Муҳаммад Солиҳ, яъни хивалик турк, Шайбоний темурийлар ташлаб кетган Хивани эгаллаганидан сўнг қандай қилиб ўзбекка айланганлиги мисолида кўрсак бўлади. Муҳаммад Солиҳ қилган нарса жуда кўп марта бошқа вилоятларда ҳам такрорланган. Мовароуннахр туркларининг эски номларидан кечиб, бу номга мослашуви фақат аста-секин давом этган ва XVI асрдан янги вақтгача этник маънода фақат у хонлик туркларида сақланиб қолган, ҳолос. Улар аста-секин тожиклар, сартлар ва қирғизлар қони билан аралаша бошлаган бўлса-да, лекин бошқаларга нисбатан хукмронлигини сақлаб қолганлар. Асл ўзбеклар кейин жуда кўп миқдорда Хива, Маймана ва Шахрисабзда учрай бошладилар, қамроқ

микдорда эса Бухорода ва жуда кам Хўкандда учрайдилар. Бухоро хонлигида ўзбеклар жанубга караганда камрок учрайди ва ҳамма жойда улар шаҳарлардан кўра кишлокларда кўпроқдир. Оксув дарёсининг чап киргогига ўзбеклар аштархонийлар хукмронлиги пайтида келиб қолишган, лекин афгонлар билан бўлган доимий тўқнашувлари туфайли уларнинг бу ердаги сони анча камайган. Фикримизча, биз ўзбекларнинг этнологик алоқаларини анчагина аниқ баён этдик.

Шу бугунгача ўзбек халкининг шажараси тўғрисида турли фикрлар мавжуддир. Масалан, Бёрнс ўзбекларнинг 32 қабиласи ҳақида маълумот беради. Тахминан шунча қабилла борлигини мен ҳам ҳар хил ҳудудларда ўзбекларнинг ўзидан эшитганман. Хаников Шаркий манбалардан бирига асосланиб, 9 асосий шажара ва саноксиз шохобчаларни эслатиб ўтади. Айти вақтда Хорошхин 92 қабилла борлиги ҳақида гапирди. Лекин у янглишиб, «ўзбек» деган жамловчи ном билан ҳамма туркларни белгилаган, шу жумладан нўғайларни, киргизларни, туркман ва хоказоларни ҳам ҳисобга олган. Лекин маълумотларнинг ҳар хиллиги ўзбекларнинг уруғ-аймоқ муносабатлари нақадар чигаллигини ва бу уруғ-аймоқларда бугунга қадар туркий халкнинг ҳамма қабилавий, қавмий номлари йиғиб олинганлигини кўрсатади.

Энг аввало туркий халкнинг этнологиясидаги чигал масалаларни аниқлашимиз лозим. Лекин биз бундай дарғумон масалалардан бош тортиб ва тарихий далилларга асосланиб, туркий халкнинг ичида ҳақиқий ўзбек деб, Шайбоний истилоси давридан бошлаб охиригача аср давомида Бухоро, Хива ва Балх хонликларида ўзбеклар сифатида тарихдаги тутган ўрнини ҳам ва ўзбеклар сифатида олдинги сиёсий номни бугун этник номдай қабул қилганларини ҳам ҳисобга олишимиз керак. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, биз ўзбеклар деб қисман бутунлай, қисман ярим ўтрок бўлган Хива, Бухоро ва Оксув дарёсининг чап киргогининг туркларини тан олсак бўлади. Шу билан бирга, умуман олганда қуйидаги жугрофий бўлиниш эслатиб ўтилади: Хива хонлигида Оксув дарёсининг чап киргогидаги аҳолиси, туркман ва айрим сартларни ҳисобга олмаганда, шаҳарларда бутунлай ҳаммаси ўзбеклар, Бухоро хонлигида Зарафшон дарёсининг икки киргогидаям, жанубий ва ғарбий ҳудудларидаям ўзбеклар аксарияти дехқончилик билан шугулланаётган аҳоли ҳисобланган. Шунга ўхшаш аҳолини Бухорога қарашли Шахрисабзда ҳамда Афғонистон хукмронлиги остида яшайдиган Кундуз, Худм, Окча, Шибиргон, Андхўй ва Майманадаги ўзбекларда ҳам қўзғатса бўлади. Айрим қабилла-қавмлар гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда кўпроқ, баъзи жойларда камрок, масалан, қўнғирот, уйғур, қипчоқ, нукус, очамайли ва хоказо қабилалар Хивада кўпроқ, қенағас Шахрисабзда, минглар Майманада, найманлар Қаршида айниқса жуда кўпроқдир. Лекин бу қабилаларнинг айрим аجدодлари бошқа жойларда учраш эҳтимоли ҳам бор.. Бу ҳолда қабилаларнинг бирлиги анчадан бери туркман ва киргизларникидай аҳамиятга эга эмас ва мен хивалик ўзбек — қўнғирот Ўрта Ёксартлик ўзбек — қўнғирот билан яқин қариндошлигини лоқайдлик билан муҳокама қилганлигининг ғувоҳи бўлганман. Лекин бу ҳам мутлақо ажабланарли эмас. Иқлим, одат, ерга муносабат ҳар хиллиги ва айниқса ўзбекларда намоён бўлган тожик, сарт, форс, афгон қонлари уларда ўзига хос ҳар хил фазилатлар қолдирган ва бу хусусиятлар факат ўзбекларга хос эмас. Агарда хивалик ўзбекни тасвирлай бошласак, энг аввало шуни қўрамызки, Оксув дарёсининг пастида оқимида яшовчи ўзбеклар маълум даражада ўзининг Зарафшондаги ва Оксув дарёсининг чап киргогидаги юртдошларидан фарқ қилишади. Чунончи, хивалик

Ўзбекнинг гавдаси ўрта бичимли, лекин киргизлардан баландрок, жуссаси эса туркмандан пиширок бўлса-да, коракалпоклардай зуваласи пишик эмас ҳамда улардай баланд эмас. Хивалик ўзбекларнинг боши чўзикрок, кўзлари чўзинчок, бурни тўлишган бўлади, огзи катта, ияги юмалок, ёноклари унчалик туртиб чикмаган, терисининг ранги тожикларникидан анча окрок, тук копламаси туркманларникидай кучли ва жигарранг. Аксинча, бухоролик ўзбеклар хивалик ўзбекларга нисбатан махаллий эронийлар билан тез-тез ва жадал аралашганлигининг жонли излари яккол кўриниб турибди. Чунки сочида ва териларида кора ранг хивалик ўзбекларникига нисбатан анча кўпрок учрайди. Шу билан бирга, кўконлик ўзбеклар у ерда яшайдиган сартлардан деярли фарк килмайди.

Энг янги этнографик тадқиқотларга асосланиб, ўзбекни куйидагича тасвирласа бўлади: у «ўрта гавдали, озгин ёки истисно тарикасида жуда семиз, териси силлик, бугдой ранг, сочи кора, малла ва камдан-кам кизгиш-кўнгир бўлади, соколи сийрак ва кора, баъзида кулранг ҳам бўлади, бурни кичкина ва тўгри, бурун канотлари кенг, лаблари калин ва бўртиб чиккан, тишлари ок ва жуда соглом, пешонаси тўгри ва дўнг, кош усти кам билинади, бурун ва лунжи ўртасидаги кесим унчалик чуқур бўлмайди, кошлари ёйсимон, лекин жуда калин эмас, огзи катта, ияги йирик, ёноги чикиб турувчи, юзи кўпрок серкирра, кулоги катта ва ажралиб туради, оёк-кўли кичкина, гавдаси кучли эмас, балки кўпрок нозикдир». Бу ўзбекларни илмий нуктаи назардан тасвирлашдир, лекин канчалик кўп ўзбеклар табиатини умумлаштирмайлик бу саволни барибир очик колдириш лозим. Шахсан мен бу умумийлаштиришни Марказий Осиёда яшайдиган ўзбекларнинг хар хиллиги учун қабул кила олмайман. Яшаш тарзи бўйича ўзбеклар ўтрок ва ярим ўтрок бўлишади. Ўтрок ўзбекларни кўпрок хонликларда учратиш мумкин. Улар деярли факат дехкончилик хисобига яшашади ва жуда камдан-камлари савдо ёки саноат билан шугулланади. Дехкончилик билан шугулланадиган ўзбеклар айникса, Зарафшон, Кашкадарё бўйлаб, Оксувнинг чап киргоги, Хивада кўп учрайди. Бу ерларда ўзбеклар кишлок одами сифатида ўз ҳолатининг асл намунасини кўрсатади. У бу ерда йўк бўлиб кетган эроний махаллий аҳолида, энг муҳими, ерни сугориш санъатини астойдил ўрганиб олган ва ўз касбига гайрат ва шижоат билан берилиб ишлайди. Ишида форс кулларини кўлласаям, лекин кўп ҳолларда ўзбек ўз ерининг гамини ўзи ейди ва кимки далада ибтидоий омочни тортиб юрган оддий, ишини ҳалол бажарувчи кишлок одамини кўрса, бу дехконни Марказий Осиёни забт этувчи ва ҳақиқий хўжайини деб тасаввур қилиши кийин. Ва айнан шу одам бизнинг вақтгача Марказий Осиёнинг хўжайини бўлиб келди. Чунки шу оддий, омоч тортиб юрган ўзбек керак бўлган пайтда отга ирғиб мина олади ва кўлига қурол олиб ўзини жанг майдонида кўрсатади. Аслзодалар ўз белгилари бўйича амалдор аслзодалардир, номлари эса сипоҳ аталиб, улар навқар ёллашлари ва хон лашкарига етказиб туришлари лозим. Хусусан айнан ана шу дехкон аҳолиси асрлар давомида ўтроклик ҳаётига қарамай олдинги кўчманчилик ҳаётининг айрим ижобий ҳамда салбий томонларини ҳимоя қилишга тайёр туради. Улар харбий хизматни яхши фойдаланилмаётган ва қолдириб кетилган ерлари учун ижара ҳақи деб тушунадилар. Шунинг учун ҳам аслида ўзбеклар Хива, Бухоро ва Оксувнинг чап киргогида асл харбий миллат бўлганлар, дея оламиз, факат охириги ҳудудда ўзбекларга, эҳтимол, янада жангари афгонлар билан бўлган қураш жуда машаққатли кечган ва шунинг туфайли уларнинг қаршилигини охиригача енголмаганлар. Савдога келганда, огир-вазмин, саноатда эса уларнинг ўрни унчалик билинмайди. Бу ўзбекларга ҳаммадан ҳам айрим

кишлокларга хар томонлама баланд девор билан куршаб олинган ховлида енгил кигиздан килинган чодир ёйиб яшаш ёкади ва айнан шу чодирни у киш пайтида ҳам кишки уйдан афзалрок кўради. Албатта, унга ҳаммадан ҳам чексиз эркинлик берадиган кўчманчилик ёкади. Лекин бунинг учун тегишли жой (худуд) каерда, шу билан бирга унинг ижтимоий ахволи ҳам бунга йўл кўймайди. Шу сабабдан бутунлай кўчманчи ўзбеклар сон жихатидан оздир. Бу кўчманчи ўзбекларнинг бир неча юзтаси Хўжанд ва Жиззах ўртасида чодир ёйиб кўчиб юришади, яна бир табакаси Карши ва Карки ўртасида кўчманчилик килган. Кўчманчи ўзбекларнинг энг катта кисмини эса, эхтимол, Оксувнинг чап киргогида, бугунги Афғонистон Туркистонида учратса бўлар. Ярим кўчманчилар бундан анча кўпроқдир, чунки, ҳамма ўзбекларда шундай хаёт тарзига мойиллик бўлиб, уларнинг хар кайсиси бутун оиласи билан очик хавода яшашга тайёр. Уларнинг етарли ер-жойи, яйловлари бўлса-да, ва агар хосил ўриш ёки бошка бирорта даладаги иш ушлаб колишини айтмаса, хонликларда ҳам (вактинча яшаб туришибди) десаям бўлаверади.

Албатта, шубхасиз, бу ахвол янги даврдаги сиёсий ўзгаришларни кўзда тутганда узок вақт сакланиши мумкин эмас ва ўзбеклар ўрислар истилоси натижасида ўз кудрати ва ижтимоий обрўсини йўкотгач, тинчгина фукарога айланади ва худди Козон ва Астрахан татарларидай батамом дехкончиликка ёки бошка тинчгина касбларга берилиб кетади, деб эхтимол килиб ҳам бўлмайди. Бундай тахмин килишимизга барча ўзбекларда учрайдиган феъл-атвор хусусиятининг анчагина бир хиллиги асос беради ва шуниси таажжублики, бу хусусият сиёсий воқеаларнинг хар хиллигига ва ўзбекларнинг келиб чиқишлари турлича бўлишига карамай хар доим билиниб туради.

Бу халкнинг ижобий, маънавий томонлари энг аввало уларнинг очик кўнгиллиги, мардлиги, жиддийлиги, хакикий туркий химматга эғалигида яккол кўзга ташланиб турибди. Бу нарса улар билан бир хил шароитларда ёнма-ён яшаётган бошка халкларда ҳам кўринади. Кўпинча маъюсликкача камгап, огир-вазмин ўзбеклар ўзларининг тожик ва сарт кўшниларида худди кекса эркак бегам-беташвиш ёш йигитдан фарк килгандай ажралиб туради. Юзидаги мармардай совукконлик белгилари уларнинг тушунчаси бўйича одоб-ахлоқ намунаси хисобланади. Бесўнакайлиги билан рухий холати мувофикдир: бир гапни ўйлаб огзидан чикаргунча бир канча дакикалар ўтади, ўзбек бир сўзни айтгунча сарт ёки тожик канча гапни калаштириб ташлайди. Ўзбек ўйлаброк гапиришга мойил. У буни табиий деб билади. Жасур сипох садокатли ва довюррак бўлиб, тўгри гапирадиган, тўгри харакат киладиган, кўзга тик карайдиган эркакни мукамаллик намунаси деб билади... У биз ҳамма жойда бошка туркларда кўргандек, давлат химоясини ўз зиммасига олган (орий махаллий ахоли ҳам бунга ҳеч қачон унчалик истак билдирмаган ва бу ишда махорат кўрсатмаган), шунинг учун у доим сипохлик килиб юрган ва санъат, илм гамидан кадимдан бош тортган. Бошка томондан карасак, ўзбеклар бунинг эвазига айрим ажойиб кадимий одатларни саклаб колишган. Масалан, ўзбекларнинг оилавий муносабатларини асл намуна деб хисобласа бўлади. Кўп хотинлилик факат хукмронларга хос ва Хивада Бухоро ва Кўконга нисбатан анча камрок учрайди. Ўзбекларнинг ўз хотинига муносабати тожик ва сартларга нисбатан анча яхширок, шуниси жуда таъсирлики, ўрта ёшларга бориб колган фарзандлар ўз ота-оналарига жуда хурмат ва эхтиромли бўлишади. Ўзи 30 ёки 40 ёшларга бориб колган ўгил отасининг бир карашидаёк чўчиб кетади ва ҳеч қачон отаси бор пайтда чилим



чекмайди, биринчи ўтирмайди ва биринчи гапирмайди. Аёллар билан бўлган муносабатларга келсак, ислом ташки муносабат коидаларида гайритабиий конунларнинг айрим томонларини жорий қилиб қўйган, лекин шахсий ҳаётда эмас, бу эса шуни билдирадики, шахсий ҳаётда ҳамиша қадимий қўчманчилик ҳаёт тарзи ҳукм суриб келади ва бека ўз билганича эркин ва қўлда яшагандай чексиз ва Константинополдаги хонимдай ҳўжайинлик қилади.

Ўзбеклар эрон-мусулмон маорифи ёрдами орқали ўтроқлик ҳаёт тарзига қўчганига асрлар ўтган бўлса-да, лекин маориф унинг ижтимоий ҳаётининг ички қисмига озгина таъсир қила олган. Этнологик масалада анча аҳамиятли томони шундаки, улар бугун асосан туркий шевада гаплашадилар. Одатда биз бу шевани чигатой ёки ўзбекча шева деб белгилаймиз. Чигатой номи мўғуллар ҳўкмронлигидан қолган. Умуман олганда, ўзбек тили чигатой тилига пайванд қилингандек таассурот қолдиради. Чунки шимолдан ўтиб қолган янги туркий қабилалар хонликларда бўлган туркий халқларга янги тил маълумоти олиб қилишган. Бу текширишларга асосланиб биз буни бир неча аср олдин бўлган шева аралаштиш такрори деб қўрсак бўлади, чунки биз олдин эслатиб ўтганимиздай, турк тили жуда қадимда, тарихни вақт забот этмаган даврларда Ўрта Осиё шаҳарларида таниш бўлиб, унинг негизи шимолдан эмас, шарқдан қилқан ҳамда бу турк тилига энг яқин бўлган тил — қирғиз тили эмас, балки қадимий уйғур тили бўлганлигини билдиради. Шундан кейин қадимда ўтроқ бўлган Марказий Осиё туркларини шарқдан қолган деб қўрқмасдан тахмин қилиш мумкин ва кейинчалик шимоли-шарқдан ва шимолдан қўчиб қолган турклар тил ва одатларни шу ерда яшаган туркий қондошларидан ўрганиб олганлар ва аста-секин бугунги туркий халқни ташкил этганлар. Марказий Осиёнинг бугунги турк тили бунга энг муҳим далилдир...

Ўзбек тилининг адабий бойлиги ҳақида гапирганда, шу нарсани тушуниш қеракки, уни қўллаб қўрган форсий адабиёт бўстонида улғайган Навоий, Бобур ва бошқа чигатой адабиёти билан тенглаштириб бўлмайди. Мен бу ҳақда асарларимда тўлиқ тўхталганим учун бу ерда фақат қисман ўзбек, яъни Ўрта Осиёнинг замонавий турк адабиёти асосини халқ оғзаки ижоди ташкил этишини таъқидлаб ўтмоқчиман. Бу ижод Марказий Осиёнинг қучли форс адабиёти билан қуч қилинашни ниёт қилмаган ҳам ва қодир ҳам эмас, у фақат маълум энг зарур талабларга мувофиққина вужудга қолган. Бу адабиётнинг қатта қисмини диний ҳикоялар ва ҳарбий қўришлар тўғрисидаги ҳикоялар ташкил этади. Буларнинг мазмуни қисман мусулмон афсоналаридан, қисман қўчманчилар, айниқса қирғизлар халқ оғзаки ижодидан қолingan ва XV асрда хонликлар даврида бироз қомиллаштирилган. Ҳивада сарой топширигига қиноан ёзилган қолномалардан ташқари форс ёки арабчадан таржима бўлган тарихий асарлар фақат қам микдордаги ўқимишли ўзбеклар қонадонларида учрайди. Бошқа ахлоқий-диний асарларда ҳам шунга ўхшаш мавзу такрорланади. Ҳамма қойда бўлгани қабил бу ерда ҳам маънавий ҳаётнинг қавнаки иқтисодий юқсалишга қоллик ва буни шу асрдаги адабиётнинг аҳамияти ҳамда бугунги ўзбек адабиётининг қусайиб қетганлигида қолқол қўриш мумкин.

Энди микдорий маълумотлар йўқлиги сабабли, биз ўзбекларнинг қанчалигини аниқлаб олишимиз қерак. Яққая қона ишонқли маълумотни биз ўрислар ҳукмронлиги остидаги ўзбеклар қайдақан Марказий Осиёдан олдиқ ва бу қусусан олдинги Қўқон, Сирдарё



вилояти, Зарафшон ва Амударё худудларидир ва бу ерда Костенконинг энг янги маълумотларича 201.972 киши яшаши керак. Микдорий маълумотларга кўра, Зарафшон вилоятига (худудига) 140.154 ўзбек тўғри келганини назарда тутсак; бизнинг тахминимизча, бугунгача бўлган 2 миллиондан кўпроқ деб баҳоланган сон жудаям кўп деб бўлмайди. Чунки ўзбеклар сонига форсий тилда гапирадиган Коратегин, Рошан, Вохан ва Шугнон каби тоғда яшайдиган аҳоли қўшилгани учун хато килмасдан Бухоро хукмронлигида яшайдиган ўзбеклар сонини 1.000.000 киши деб баҳолашимиз мумкин. Бу сонга яна Хива хукмронлиги остида яшайдиган 700.000 ўзбекни, Афғонистон хукмронлигидаги яна 200.000 ўзбекни қўшиб, кўркмасдан бу халкнинг умумий сони тахминан 2 млн. кишидир дея оламиз.

Ўзбекларнинг одатларига келсак, энг аввало шуни айтиб ўтиш керакки, бунинг ягона шакли хакида сўз юритиб бўлмайди. Чунки одамларда уч хонликдаги хар хил маданият таъсири бор ва шу билан бир вақтда чўлдан олиб келинган урф-одатлар ўтроклик хаётига сингиши билан озми-кўпми ўзгарган. Бундан шундай хулоса килиш мумкинки, Оксுவнинг пастки киргогида, Шахрисабзда ва Оксувнинг чап киргогида яшовчи ўзбеклар Бухоро, Кўкон ва Шаркий Туркистонда яшайдиган кондошларига нисбатан эски турк дунёсининг кўпроқ одатларини саклаб қолишган. Ўзбеклар у урф-одат бўйича яшашига карамасдан, бу одатлар бировнинг кучли таъсири остида бўлмаган. Аслида хивалик ўзбеклар ўз миллатининг энг асл вакиллари дир. Буни инкор килиб бўлмайди. Қадимий Хоразмда ўтмишдаги форс маданиятидан келиб чиқадиган айрим удумларни ҳам кадрлайдилар. Бу одамларга тааллуқли бўлган кузатишлар этнографияда жуда катта кизиқиш уйғотади ва биз олдинроқ айтиб ўтганимиздек, энг аввало шуни кўрсатадики, Оксувнинг пастида, масалан, турклар мусулмон динини қабул қилишдан олдин ўтроқ бўлишган ва қадимий орий дунёкараши турклар томонидан ўзлаштирилган. Бунга мисол қилиб, Наврўз байрамини, яъни баҳорги тенг кунлик байрами нишонлани-шини айтиш мумкин. Бу байрам Хива ўзбекларида, Эрон форсларида қандай аҳамиятга эга бўлса, худди шундай аҳамиятга эга. Лекин Бухоро ва Кўконда диний мутаассиблик кучли бўлгани учун аллақачон ўз аҳамиятини йўқотган. Хивалик ўзбеклар олов устидан ва унинг атрофида худди Ёзд ва Карманадаги гебрлардай сакрашади, агар ёш киз биринчи марта ўз рафикининг уйига қирадиган бўлса, уйнинг олдида жинларни хайдаш учун олов ёкилади ва бу гулханга ёш киз орқасини кўрсатиши мумкин эмас, аксинча гулхан олдидан эхтиром билан ўтиб, янги уйга қиради. Яна гулханга тупуриш, ахлат ташлаш ва хоказолар худди кўчманчиларникидай ман этилади. Лекин ёруғлик берадиган гулханга, яъни куёшга бугунги кунларда факат Хива ўзбеклари сизинишади, чунки эски одат бўйича куёш ботганда жуда огир касаллар ҳам туриб кетади дейишади ва одамлар куёш нурлари муқаддас рухий кучга эга деб ишонч ҳосил қилганлар. Одамлар оловда ҳам шундай шифобахш куч бор деб ҳисоблашади ва огир касалларни гулхан атрофида олиб юрганларини кўриш ажабланарли эмас. Умуман олганда, нафакат эски оловга сизиниш одатининг излари, балки бошқа қадимий эрон афсоналари ҳам Оксув дарёсининг пастидаги туркларда сакланиб қолган. Масалан, Рудапо исмлиқ сув париси, яъни оксувлик Лорелея жуда кўп ичакдай бир-бири билан чалқашиб кетган оёқлари бўлган жуда чиройли аёл, Эрон қайикчиларини минг йиллар олдин қандай қийнаган бўлса, бугун худди шундай Оксув кема ва қайик эгаларига жодугарлик қилади ва дахшат солади. Чўлу биёбон, яъни чўл ажинаси Уст-Юрт чўлидаги ўзбеклар ичида қиладиган жодугарликлари ва бебошликларни у Дашти қувирда ҳам, яъни Исфохон ва Язд

ўртасида ҳам килади. Шунингдек, форсий девнинг ёвуз харакати Оксувнинг бугунги одамларига энг камида кадимий хоразмликларга кандай маълум кўринган бўлса, шундай кўринади. Бу ва яна бошқа Марказий Осиёдаги исломгача бўлган дунёкарашни XVI аср бошларида Шайбоний оркасида келганлар ўзларидан анча олдин пастки Оксувда ўтрок бўлган турклардан ўзлаштириб олган. Демак, Хоразмда кадим замонда туркий аҳоли бўлган деган тахминимиз анча асослидир.

Кўчманчилик ҳаётидан колган одамлар ҳақида гапирсак, шуни кўрамизки, улар қайси нуктаи назардан карамайлик, ўзгариб ва ўтроклик ҳаёт тарзига мослашишган. Ўзбекларнинг кийимлари тожикларникидан газламасининг калин-каттиклиги билан, тузилиши эса унча кенг бўлмаганлиги билан фарк килади. Тожик салла ўраганда, ўзбекка кўпроқ баланд ва каттиқроқ мўйна телпак ёкади. Бу телпакнинг кўриниши туркманларнинг телпагидан каттарок, лекин тепаси сартларнинг телпагидай энли эмас. Ўзбек аёлларининг кийиниши тахминан туркман аёлларининг кийинишига ўхшайди, факат одат бўйича ёш аёлнинг бошига хурмат юзасидан бош кийими кийгизилади, лекин шаҳарликлар бу одатга риоя қилишмайдиган бўлишган.

Ўзбекларнинг овкати кўчманчи кондошлариникидан фарк қилмайди, факат дехкон бўлгани учун етарли миқдорда нон ва ҳамир овкат ейди, таомларига чўл одамларнинг гўшти ва сутли таомларини қўшганда, киргизлар билан тенглаштиради бўлади. Сарт ва тожик таомларини камдан-кам ейди. Ичимликлардан чой, бўза, куртоба (яъни сувда эритилган пишлок) ва айрон истеъмол килади. Унга, айниқса айрон ёкади. Кимиз умуман учрамайди десаям бўлаверади.

Оилавий ҳаётнинг айрим тарзларида кўчманчилик ҳаётининг кўп хусусиятлари сақланиб қолган. Асрлар давомида етиб келган мусулмон динининг риояларига карамасдан уйланишни ота-оналар ташкил этмайди. Чунки олдин ёшлар бир-бири билан танишишади ва ўзаро муносабат боғлаши мумкин. Совчи хотин эса факат одоб юзасидан катнашади. Ота-оналар калин пулини ёки калин ўрнига 9 от, мол, қўй, туя ва ҳоказоларни қелишиб олгандан сўнг унаштириш учун келин уйида фотиҳа базми бўлади. Тўй маросимлари бундан кейин тез кунларда ўтади. Тўйнинг биринчи кунини куёв йигит ўн дўсти, келин бўлса, ўн дугонаси ўртасида ўтказади ва ўша куннинг ўзида кечкурун иложи бўлса очик ҳавода уларни никохлашади. Иккинчи куни бўлса, келинни тушуриш олдидан базмлар давом этади. Ёшларни олиб кетаётганда эркаклар отларда, аёллар араваларда кузатиб қелишади ва улар олқишлаб қўшиқлар айтишади ва ҳоказолар. Тўй мўносабати билан кураш бўйича мусобакалар ўтказилади, от чоптириш ва кўпкарилар бўлади, лекин унда факат ёш йигитлар катнашиши мумкин. Аёллар эса, кўчманчилар одати бўйича олдин иштирок этган бўлса-да, ҳозир бу мусобакаларда катнашмайди. Бола тугилгандан 40 кун ўтгандан кейин уни йўргакдан (қўндокдан) бешикка ўтказишади, бир ёшга кирганида у кичкина гилдиракли аравачага (адак-арава, оёк учун арава — Х. Вамбери) тушади ва қисқа муддатда ўзи юришки ўрганади. Ўз-ўзидан тушунарлики, ёшлар чўлдаги ҳаётига нисбатан мактабларда кунт билан ўқишади. Чунки ўзбеклар ҳудудийдир ва болаларидан кунт талаб қилишади. Лекин ўзбеклар ўзларининг диндош биродарларидай мутаассиб эмас ва айниқса уларнинг ўртасида муғомбирлик (мунофиклик) камдан-кам учрайди. Авлиёларга сизиниш Хива ўзбекларида Бухоро ва Қўқон ўзбекларига нисбатан унча қучли эмас. Маккага боровчилар сони жуда кам ва ўзбек ҳожиларига Ўрта Осиёнинг

бошка кисмларига нисбатан унча эътибор беришмайди. Бир сўз билан айтганда, ўзбеклар яхши мусулмондирлар, лекин динга берилишлари бўйича бухороликларга эмас, кўпроқ анатолиялик туркларга ўхшайдилар.

Марказий Осиё ўзбекларининг ҳаётидаги кизик нарсасартларга, яъни туркий тилда гапирадиган орий маҳаллий аҳолига муносабатидир. Улардан ўзбеклар, тили бир хиллигига қарамасдан, ажралиб туришни афзал қўришади ва ўзбек деганда ҳурматга сазовор бўлган одамни тасаввур қилиб, сарт деганда айёр, ишончсиз одамни тушунгандай, уларга паст назар билан қарашади. Ўзбеклар сартлар билан қамдан-қам қариндош бўлади. Агарда сарт ўзбек оиласидан хотин олишга муваффақ бўлса, унинг кейинги авлоди ўзбек деб ҳисобланади...

Сарт деган ном 800 йилдан бери мавжуд. Сартлар бошқа миллат сифатида тожиклардан фарқ қилади, шунинг учун ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, сартлар ўтган минг йиллардаёқ туркий тилда гапираётган ва турклар билан жуда аралашган ҳолда мавжуд бўлишган. Айнан сартлар бошқа орий маҳаллий аҳолиси, яъни тожиклар эмас, турклар билан жуда аралашиб кетишган ва нега турклашиш билан бир маҳалда тили узок вақт турклашмаганлиги диққатга сазовор масала бўлиб қолди. Тарихда бу саволга ҳеч қандай жавоб йўқ, лекин сартларнинг жугрофий тарқалиши қадимий Фарғона ва Ўрта Ёксартда зич бўлиб яшаганидан шундай тахмин қилиш мумкинки, улар, яъни сартлар, тарих вақтини забт этмаган бир даврда орий халқининг чегарасини ташкил этишган ва туркларнинг қелиш тўлқинлари доимий бўлганлиги сабабли тиллари аста-секин турклашган, лекин уларнинг табиатида, шубҳасиз, орий қелиб чиқишларининг излари сақланиб қолган.

Ва, нихоят, Марказий Осиё ўтроқ туркий халқлари ўртасида яна қурама халқини ҳам эслатиб ўтиш керак. Улар Чирчик, Ангрен соҳилларида (бу дарёлар Ёксарт ирмоқларидир) яшаши ва қўпинча қирғизларнинг қўлдан сиқиб чиқарилган ва ўтроқлик ҳаётига ўтишга мажбур бўлган қавмидан қелиб қикқандирлар. Кейинчалик улар бошқа турклар ва сартлар билан аралашиб кетганлар, шу бугунга қадар уларнинг сони 50.000 га етади. Чала қозоқларнинг қелиб чиқиши ҳам тахминан ҳудди шундайдир. Улар Тошкент округида яшаши. Ижтимоий қелиб чиқиши қурамаларникидай, сон жиҳатидан қамроқ, лекин аниқ сонини билмайман.

Немис тилидан Турдибой Шодмонов ўзбекчалаштирди.  
“Ўзбегим” тўпламидан (1992) олинди.

[1] Х. Вамбери. «Туркий халк», 1885 йил. Лейпциг. Шу асарнинг «Ўзбеклар» деб номланган қисмидан.

[2] Албатта, бу ва бундан кейинги фикрлар Х. Вамберининг ўз қарашларидир. Уни ўзбеклар ҳақидаги ягона тарихий ҳақиқат деб талқин этишдан йироқмиз. Шундай бўлса-да, улар бугунги кун ўқувчисига қатта қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз (Тахририят).